

АЁЛЛАРГА ИПАК ВА ТИЛЛО ЖОИЗ

05:00 / 02.03.2017 3662

Анас розияллоҳу анҳу: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Умму Гулсум алайҳассаломнинг устиларида ипак чопонларни кўрдим», деди»**. Бухорий, Абу Довуд ва Насайи ривоят қилган.

Шарҳ: Аввалги ҳадисларда ипак ва тиллонинг ҳаромлиги ҳақида умумий гаплар келган эди. Фақат битта ҳадисда бу нарсалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эркак умматларига ҳаром қилинганлиги таъкидланган эди. Энди эса ўша умумий ҳукмдан муслима аёллар истисно қилингани, улар учун ипак кийим ҳам, тилло ҳам ҳалоллигини амалда кўрсатувчи ривоятлар келтирилмоқда.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Умму Гулсум розияллоҳу анҳо ипакдан тикилган тўн кийиб юрганлари, бу нарса аёлларга ҳалол эканлигининг ёрқин далилидир.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ипак чопон ҳадия қилдилар. Мен уни кийиб олдим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзларида ғазаб аломатини кўриб қолдим. У зот менга: «Мен буни сенга кийишинг учун юборганим йўқ. Мен буни сенга уни йиртиб аёлларга рўмол қилиб беришинг учун юбордим», дедилар»**. Икки шайх ва Насайи ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ривоятда эркак кишига ҳаром бўлган ипак нарса аёлларга ҳалол эканлиги ҳам сўз билан таъкидланмоқда.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг ипак чопонни ўзлари кийиб олганларини кўриб, аччиқлари чиқиши ва у чопонни йиртиб аёлларга рўмол қилиб беришлари зарурлигини таъкидлашлари ўша сўздир.

Бошқа бир ривоятда ҳазрати Али, ўша чопонни йиртиб, Фотималарга рўмол қилиб бердим, деган эканлар. Фотималар; ҳазрати Алининг оналари, Фотима бинти Асад, у кишининг хотинлари, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари, Фотима онамиз, Ҳазрати Алининг амакилари, Ҳамза ибн Абдулмуттолибнинг қизлари, Фотима бинти Ҳамза розияллоҳу анҳунналар эканлар.